



# O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 31-may. Payshanba 67 (31.499) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қанотининг «Ёш сиёсатчи-2012» кўрик-танлови вилоят босқичлари ўтказилмоқда. Кеча танловнинг Тошкент вилояти босқичи Ангрен шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ҳамда ёш сиёсатчилар иштирок этди.

## ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти



Муродбек ЗИЁЕ олган суратлар.

## «ЁШ СИЁСАТЧИ»

Ватанимиз равнақи учун ёниб яшайдиган авлод камол топишига ҳисса қўшмоқда

Мамлакатимизда демократик ислохотлар тобора чуқурлашган бугунги кунда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ислохотлар жараёнидаги иштироки ҳамда юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучай-

тириш муҳим аҳамиятга эга. Қанот ташаббуси билан 2008 йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови шу мақсадга хизмат қилаётган йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади.

— Бу йилги танлов «Мен Вата-

ним ривожини учун нима қила оламиз?» деган шiori остида ўтмоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алия Юнусова**. — Бундан кўзланган мақсад — ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, партияимиз ўз ол-

дига қўйган мақсад-вазифаларини ёшлар орасида тарғиб этиш, мамлакатимиз равнақига ҳисса қўша оладиган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг қобилияти тўла рўёбга чиқишига кўмак беришдан иборат.

→ 2

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

### Янги спорт мажмуаси

«Меҳр нури» жамғармаси ва бир қатор нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида Тошкент педиатрия тиббиёт институтида замонавий спорт мажмуаси куриб, фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирга соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари, талабалар, ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори Б.Даминов, «Меҳр нури» жамғармаси бошқаруви раиси А.Саъдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар жараёнида инсон омили устуворлигини таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасидаги эзгу ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Соғлом она — соғлом бола» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиришга доир ишлар ҳажми тобора ортмоқда.

Ёш авлоднинг спортга кенг жалб этиш, хотин-қизлар, ёшлар, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр

нури» жамғармалари фаолиятининг муҳим йўналишларидандир. Ушбу нодавлат ташкилотлар томонидан ўтказилаётган ижтимоий акциялар, хайрия марафонлари, спорт мусобақалари, маърифий анжуманлар ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи ғояларини қарор топтириш, миллимиз генофондини соғломлаштиришга хизмат қилаётди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида янги спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилгани бунинг мисолидир. Бу ерда спортнинг кўплаб турлари билан шугулланиш учун барча шароит яратилган. Мажмуа спорт заллари, тренажёр хоналари замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланган. Оғир атлетика, кураш, гимнастика, фитнес секциялари, мини-футбол, баскетбол, волейбол учун майдонлар ҳам талаба-ёшлар ихтиёрида.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар.

## ЎзХДП: маҳаллий Кенгашларда

### ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИ

изчил амалга ошириш маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ташаббускорлиги ва астойдил меҳнатига боғлиқ

2-бет

## Партиялараро баҳс

### ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ВА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

фаолияти суст бўлса, партия дастурий вазифаларини амалга ошириш қийин кечади. Буни ЎзМТДПнинг Форинс туман Кенгаши ва депутатлик гуруҳи мисолида кўриш мумкин

2-бет

## Муносабат

### ПАРТИЯНИНГ КУЧИ

бошланғич ташкилотлар қай даражада ишлаётганига боғлиқ

Одамлар орасида сиёсий партиялар обрўси ошиши, ўз гоё ва мақсадларини тўла маънода амалга оширишида бошланғич ташкилотларнинг ўрни бекиёс. Бу ҳақда матбуотда кўп айтилмоқда. Дарҳақиқат, муайян корхона ёки маҳалла қошида ташкил этилган куйи бўлин бевосита аҳоли орасида иш кўради, уларнинг ташвиш ва қувончига шерик бўлади.

Бироқ ҳозир ҳамма бошланғич партия ташкилотлари талаб даражасида фаолият кўрсатмоқда, деб бўлмайди. Аксарият ҳолларда уларда фаоллик ва ташаббус етишмайди. Сиёсий ўқувлар ташкил этиш, фуқаролар муурожаатларига эътибор бериш масалаларида оксайди. Шу маънода, партиянинг Марказий, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари бошланғич ташкилот билан астойдил ишлаши, ҳамкор ва ҳамнафас бўлиши, унинг таклиф ва ташаббусини қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириши лозим. Депутатлар ҳам куйи ташкилотлар босими билан ишласа, улардаги масъулият янада ошади. Бироқ

бизда аксинча, БПТлар аксарият ҳолларда юқори бўлин қарорларини бажарувчига айланиб қолган. Аслида, бошланғич ташкилот электротатни ташвишга солаётган муаммолар, улар манфаатларига хизмат қилувчи масалаларни доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига киритилишида депутатлар билан бирга жон куйдириши керак. Шунда улар ўз олдига қўйган вазифаларни бажарган ҳисобланади. Шунингдек, туман ёш ижодкорлари шеърлари жамланган «Кўштепа умидлари» тўпламининг тақдими ўтказилди.

Муқимжон ҚИРГИЗБОВ, сиёсий фанлар доктори.

## Маърифат

### Янги китоб магазини

Фарғона вилоят Кўштепа туманидаги Фиштон қишлоғида «Шарқ зиёкорининг янги китоб дўкони очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда таниқли шоирлар ва фарғоналик ёш ижодкорлар инсон онги-шуури, айниқса, вояга етаётган авлод маънавияти, ҳаётга муносабати шаклланишида китоб бебахо аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб,

қишлоқда зиё маскани очилгани айни муддао бўлганини таъкидлади. Тадбир доирасида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилган янги китоблар, шунингдек, туман ёш ижодкорлари шеърлари жамланган «Кўштепа умидлари» тўпламининг тақдими ўтказилди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## Қонун ва шарҳ

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИГА ДОИМИЙ ПРОПИСКА

қилиш тартиб-қоидалари ҳақида

Фуқароларнинг доимий прописка қилиш масаласи бўйича таҳририятимизга бўлаётган муурожаатларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, полковник Бадриддин ШОРИХСИЕВ билан суҳбатлашдик.

3-бет

## 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

### «ҲАР БИР ФАРЗАНДГА МЕҲР, ЭЪТИБОР»



шиори остида пойтахтимиздаги «Тошкент-Ленд» болалар истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди

Мазкур байрам тадбири «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилди.

Тадбир давомида Меҳрибонлик уйларининг 1100 нафардан зиёд тарбияланувчилари, Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг фарзандлари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизлари «Тошкент-Ленд» болалар истироҳат боғидаги барча аттракционлардан бепул фойдаланишди.

→ 4



ЎзХДП «Истикбол» ёшлар қаноти

# «ЁШ СИЁСАТЧИ»

Ватанчимиз равнақи учун ёниб яшайдиган авлод камол топишига ҳисса қўшмоқда



— Утган вақт ичида «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловда 10 минг нафардан ортиқ ёш иштирок этди, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Гулшан Асатова**. — Танловнинг вилоят босқичига юз нафарга яқин ёш сиёсатчилардан ўз иқтидори, етакчилик қобилиятини намойиш этган саккиз нафари танлаб олинди. Бундан ташқари, жорий йилда кўрик-танлов янги тахрирдаги Низомда белгиланган тартиб бўйича олиб борилаётган. Яъни, ижтимоий-сиёсий жиҳатда кўпроқ эътибор қаратилган, лойиҳа тақдими, сиёсий дебат, нотиклик санъати каби шартларга

кенг ўрин берилган. Бу ёшларни ўқиб-ўрганиши, сиёсий жараёнларда фаол қатнашишига йўл очиб қолмай, уларни эркин фикр юритиши, нотиклик маҳорати ўсишига хизмат қилади.

— Танловда биринчи марта иштирок этишим, — дейди **«Ёш сиёсатчи — 2012» кўрик-танлови вилоят босқичи ғолиби Наргиза Убайдуллаева**. — Шундан бўлса керак, бошида бироз ҳаяжонландим. Очиги, биринчи ўринни оламан деб ўйламаган эдим. Чунки, танловда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида бўлаётган янгиликлардан яхши хабардор, бой дунёқарашга эга тенгдошларим иштирок этишди. Шу боис ҳам улар туман ва шаҳар босқичида

ғолиб бўлишган. Мен танловнинг биринчи шартини буйича худуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишга доир лойиҳа билан иштирок этдим. Унда қизларни эрта турмушга чиқишининг олдини олиш масаласига ҳам эътибор қаратилган. Бу лойиҳа кўпчилиқда илиқ таассурот қолдирди.

— Танловда оилавий тadbиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳа билан қатнашдим, — дейди **иккинчи ўринни кўлга киритган Мўтабар Қозиева**. — Унда чорвачиликни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари яратилишининг замонавий усуллари кўрсатиб берилган. Аслида, ғолиб бўлишни мақсад қилган эдим. Бироқ нотиклик санъати шартда бироз сустратнашимнинг учун иккинчи ўрин билан қияфоландим. Бундан хафа эмасман. Келгусида мен ўз сиёсий-ҳуқуқий билимларимни янада чуқурлаштиришга, депутат бўлиб, Ватанчимиз тараққиёти ва партияимиз ғояларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

**Тadbир доминида кўрик-танловнинг «Энг ташаббускор ғоялари учун» номинацияси бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Уларга партиянинг диплом ва қимматбахо совғалари топширилди.**

**Нурали ОРИПОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давра суҳбати

## МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

**ЎзХДП Қорақалпоғистон республика Кенгаши ташаббуси билан шу мавзуда давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, «Истикбол» ёшлар қаноти аъзолари ва Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.**

Сўзга чиққанлар ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ечим топишда партия ташкилотлари ва депутатлар масалаларига эътибор қаратишди.

— Жойларда ёшларга мустаҳкам оила ғоясининг мазмун-моҳияти, унинг умуммиллий ва умумбашир аҳамиятини кенг тушунтириш учун турли мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилган, — дейди **ЎзХДП Қорақалпоғистон республика Кенгаши**

«Истикбол» ёшлар қаноти етакчиси Айбергел Артиков. — Унда депутатлар билан бирга, соҳа мутахассислари, жумладан, педагог-психолог, тиббиёт ва жамиятшунос олимлар, маънавият тарғиботи маркази вакиллари, эл-юрт назаридоғи обрўли оила вакиллари ялб қилаялмиш. Муҳими, бу ёшларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шунингдек, ёш оилалар мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш ҳар биримизнинг долзарб вазифамиз ҳисобланади. Бу борада маҳалла тизими билан ҳамкорлик яхши самара берадиган. Чунки ёшлар ҳаётига қанчалик чуқур кириб бурсак, уларнинг турмуш шaroити, қувонч ташвишлари шунча оғоҳ бўлаемиз. Одамларни қийнаётган муаммоларини ҳал этасак, уларга кўмак бурсак, бу оила мустаҳкамлиги учун хизмат қилади.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: маҳаллий Кенгашларда

# ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИ

изчил амалга ошиши маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ташаббускорлиги ва астойдил меҳнатига боғлиқ

ЎзХДП Ҳаракат дастурида партия депутатлик гуруҳлари олдида худудлардаги муаммолар ечими бўйича муқобил таклифлар ишлаб чиқиш ва маҳаллий Кенгаш сессияларига киритишга доир муҳим вазифалар белгиланган. Электрат манфаатини ҳимоя қилишда уларнинг ижросини таъминлаш муҳим ўрин тутди.

Утган йили Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари Ҳаракат дастуридаги вазифаларни бажариш бўйича 9 та туманда 12 та масала сессияларда муҳокама қилинишига эришди. Натижада электрот манфаати билан боғлиқ муҳим қарорлар қабул қилинди.

Вилоят Кенгашида партияимиздан 21 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 187 нафар депутат бор. Бу — катта куч ва имконият, албатта. Биз бундан партияимиз дастурий мақсадларига эришиш йўлида унумли фойдаланишимиз зарур. Шу боис худудларда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар изчиликни таъминлаш, соҳаларда юзага келаятган хато ва камчиликларни атрофича таҳлил қилиб, амалий таклифлар ишлаб чиқиши, яъни уларни ҳал қилишга қўлимиздан келганча ёрдам бераймиз.

Партияимиз Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш бўйича йил бошида ишлаб чиқилган режа асосида партия фаоллари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳлари тuzилди. Улар дастурда белгиланган йўналишлар бўйича назорат-таҳлил ишлари олиб борди. Хусусан, **Қарши шаҳар, Қарши, Ғузор, Деҳқонobod, Китоб, Яқкабoғ ва Нишон туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари бандликни таъминлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини асраш, қишлоқларда намунавий уй-жойлар қурилиши ва замонавий ижтимоий ин-**

**фратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ўрганиб, тегишли сессиялар муҳокама қилди.**

Нишон туман Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи касб-хўнара коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш билан боғлиқ масала бўйича мониторинг олиб борди. Таҳлиллар шунинг кўрсатдики, айрим коллежларда иш бериувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари тuzилган бўлса-да, аммо унга тўлиқ риоя қилинмаган. Шунингдек, тумандаги 6 та касб-хўнара коллежи ўқув амалиётларини ўтказиш учун ўқув устaxonалари, зарур жиҳоз ва техника билан жиҳозланмагани аниқланди. Бу ёшларнинг касб-хўнара сирларини пухта ўрганиши, амалий машғулотларни тўлиқ ўзлаштиришга ҳалақат беради. Шу боис партияимиз депутатлик гуруҳлари аниқланган камчиликларни ечишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш, уни сессия муҳокама қилишда киритди ва тегишли қарор қабул қилинди. Ҳозир депутатлар қарор ижросини қатъий назоратга олган.

Шунингдек, Қарши шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи утган йили сессияларга «Шаҳарда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, коммунал тўловлар бўйича қарздорликни камайитириш тўғрисида», «Аҳолига тоза ичимлик суви етказиб беришдаги зулмларнинг олдини олиш, сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик, қарздорликни камайитириш ва бу борадаги камчиликларни бартараф этиш чоралари ҳақида», «2011-2012 йил куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш, электр қуввати, газ таъминотини яхшилаш, киши мавсумида шаҳар аҳолисини иссиқлик энергияси ва иссиқ сув етказиб бериш янада яхшилаш тўғрисида»ги масалаларни киритди. Жорий йилнинг биринчи чорагида «2012 йилда янги иш ўринлари яратиш борасида шаҳарда



**Олим РАВШАНОВ,**  
ЎзХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари

амалга оширилган ишлар, 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрлари ҳамда касб-хўнара коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги масалалар ўрганилиб, сессия муҳокама қилиб олиб чиқилди.

**Бундан ташқари, Ҳаракат дастури ижроси бўйича Китоб туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ҳам қатор амалий ишларни олиб борди. Хусусан, депутатлар куз ва киш мавсумига тайёргарлик, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, туманда марказий ва маҳаллий аҳамиятга молик йўллар қуриш ва таъмирлаш юзасида назорат-таҳлил ишлари олиб борди. Натижалар умумлаштирилиб, шу асосда сессияга масала киритилди.**

Партиялараро баҳс

## ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ВА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

фаолияти суст бўлса, партия дастурий вазифаларини амалга ошириш қийин кечади. Бунинг ўзгариши Фориш туман Кенгаши ва депутатлик гуруҳи мисолида кўриш мумкин

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга асосан сиёсий партиялар Сайловолди платформаларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, аввало, депутатлари фаолиятига таянади. Тахриб шунинг кўрсатмоқдаки, партия дастурий вазифалари ижросини таъминлашда, айниқса, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Чунки улар аҳолининг кундалик ташвишларидан яхши хабардор. Айнан улар маҳаллий Кенгаш сессияларига электрот манфаати ҳимоясига хизмат қиладиган ташаббусларни олиб чиқиши, Қонунчилик палатаси депутатлари таҳлилий маълумотлар ва таклифлар бериши керак.

Аммо сиёсий партиялар ва депутатларга талаб қўйилган ана шундай бир шaroитда ЎзМТДПнинг Фориш туман ташкилоти ва депутатлик гуруҳи сукут сақлаб келаятгани кишини таажубга солади.

Бугун ЎзМТДПнинг Фориш туман Кенгаши 556 нафар аъзого эга. Туман аҳолиси 80 мингдан ортиқ эканини ҳисобга олсак, бу

кўрсаткич талаб даражасида эмаслиги аён бўлади.

**Одамларнинг сиёсий маданияти, демократик онги ва тафаккурини сифат жиҳатдан ўстиришнинг зарурий шартлари сифатида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг барча фуқароларини ягона мақсад, давлатчилик ва умуммиллий гуруҳ рамзлари атрофида янада жипслаштириш, жамият ва халқ фаровонлигини ошириш каби вазифаларни ўз дастурида белгиланган мазкур партиянинг тумандаги аъзолари бор-йўли 11 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Бунинг устига, ана шу камсонли ташкилотлар ҳам бугунги талаб даражасида ишлаётгани йўқ. Туман партия кенгаши мутасаддилари БПТлар ишини кучайтиришга, шу орқали депутатларнинг ташаббускорлигини оширишга эътибор бермаётган.**

Шу ўринда, бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. ЎзХДП Фориш туман кенгаши 964 нафар аъзони бирлаштирган. Туманда партиянинг 33 та бошланғич ташкилоти мавжуд. ЎзХДП туман кенгаши худудда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали ёшларни иш билан

таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, имконияти чекланган кишилар, ёлғиз кексаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи (6 нафар) 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури асосида доимий комиссияларга 6 та масала киритилган. Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокама қилиш 2 та — «Фориш туманида қайта ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш ҳисобига, истеъмол бозорини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдирдиш бўйича», «Янги иш ўринлари яратиш, касб-хўнара коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш» масалаларини тақлиф этган. Бироқ очик айтиш керакки, бу мисоллар депутатлик гуруҳи фаолиятига ижобий баҳо беришга муносиб эмас.

Депутат фаоллиги, электрот манфаати йўлида ташаббуслар билан чиқиши кўп жиҳатдан унинг ўзи сайланган партия ташкилоти билан қай даражада ҳамкорлик қилаётганига боғлиқ. Қаерда депутат билан партия ташкилоти ва унинг аъзолари ўртасида алоқа сусайса, шу ерда сиёсий партия ғоялари ҳаётга таъбиқ этилиши қийин кечади. Бугун маҳаллий Кенгаш

депутатлари худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Давлат ва маҳаллий дастурлар ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтириши талаб этилмоқда. Бу ўз навбатида, маҳаллий ижро ҳокимиятининг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиятини оширишга, яъни ислохотлар муваффақиятига хизмат қилади. Фориш туманидаги ЎзМТДП депутатлари ва партия ташкилоти фаолиятида эса ҳамон хотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда.

Ваҳолаки, ЎзМТДП Сайловолди дастурида **ички бозорни зарур ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирдиш, иқтисодий фаолиятнинг илғор шаклларига асосланган замонавий корхоналарни ривожлантириш йўли билан миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган индустриал сиёсатни тақомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт соҳасидаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш** масалалари белгиланган бўлиши мумкин. Аммо бу муҳим вазифаларни ЎзМТДПнинг тумандаги депутатлари ва камсонли бошланғич ташкилотлари амалга ошира оладими?

**Гулрух ОДАШБЕКОВА,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

ЎзХДП Хонқа туман кенгашига 63 та бошланғич ташкилот бирлашган. Шундан 16 таси худудий ташкилотлар. Улар жойларда юзага келаятган ижтимоий масалаларнинг туб моҳиятини ўрганиш, муаммоларни бартараф этиш бўйича фаоллик кўрсатаётгани партия ишини янада самарали ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда.

## ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН МУСТАҲКАМ АЛОҶА

қуйи бўғин фаоллиги орқали таъминланади

— Бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди **туман партия кенгаши раиси Ахмадjon Вaсов**. — Бу эса аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир ишлар кўламини кенгайтириш, хусусан, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси таъсирчанлиги ошишига имкон яратди. Биз бу борада, албатта, худудий ташкилотларга сунамиз. Чунки, партия олдида турган вазифаларни амалга оширишда қуйи бўғин катта куч ҳисобланади. Бу жараёнда, аввало, ҳамкорликни кучайтириш учун туман кенгаши, депутатлар ва бошланғич ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаймиз.

**Тумандаги худудий ташкилотлар 160 нафар партия аъзоси бор. Бу ерда мунтазам равишда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган кўллаб-қувватлаш семинар ва давра суҳбатлари ўтказиб келинади. Партия фаоллари ҳар бир тadbирга пухта тайёргарлик кўришади.**

Шу боис улар юқори савияда ташкил этилаётгани, кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотаяпти. Шунингдек, худудий ташкилот туман партия кенгаши билан ҳамкорликда касаначилик, хўнара-мандчилик билан шуғулланиш истасида бўлган электрот вакилларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Қишлоқда 15 мингдан ортиқ аҳоли яшайди, — дейди **худудий партия ташкилоти етакчиси Қизларгу Абдуллова**. — Шундан 53 нафар боқувчисини йўқотган, 147 нафари ногирон ва 1370 нафар пенсионер. Биз депутатлар билан бирга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, қонунчи ташвишга шерик бўлишга ҳаракат қиламиз.

Худудда касаначилик, хўнара-мандчилик ва оилавий тadbиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шундан келиб чиқиб, бошланғич ташкилот фаоллари ўз бизнесини очиб истигади бўлган ёшлар билан тез-тез мулоқотлар ва учрашувлар ўтказмоқда. Унда депутатлар иштирокида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бу борадаги шароит ва имкониятлар, яратилган қонун ҳужжатлари ҳақида фикр юритилади. Муҳими, бу ўз самарасини берадиган. Қўллаб-қувватлаш ва ёшларнинг иш билан таъминланишига замин туғдирмоқда.

**Лазиза ШЕРОВА**



Қонун ва шарҳ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИГА ДОИМИЙ ПРОПИСКА ҚИЛИШ ТАРТИБИ ҚОНУНИ

## қилиш тартиб-қоидалари ҳақида

— **Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий прописка қилиш қайси меъририй-ҳуқуқий ҳужжатга асосан ким томонидан амалга оширилади?**

— Ўзбекистон Республикасининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг Рўйхати тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг Рўйхати тўғрисида»ги Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарорига мувофиқ, фуқароларимизни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ишлари амалга оширилади.

**Юқоридagi қонун ва қарор ижросини таъминлаш бўйича жорий йилнинг 4 май куни «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома» давлат рўйхатидан ўтказилди ва 14 майдан эътиборан кучга кирди.**

Доимий прописка қилиш ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек, аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида фуқаронинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудининг муайян жойида яшати фактини аниқлашни назарда tutади. Шунингдек, юқоридagi қарорнинг Қонунда, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тасдиқланган.

— **Бу рўйхатга кимлар қиради?**

— Ушбу рўйхатга фуқароларнинг 12 та тоифаси қиради, булар: 1. Қонун кучга киргунга қадар, яъни 2011 йил 15 сентябргача олди-сотди, ҳаёда, айирбошлаш шартномалари асосида, қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ва хусусийлаштириш асосида, суд қарорига кўра, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ уй-жой олган фуқаролар Рўйхатнинг 1-бандига мувофиқ доимий прописка қилинади;

2. Қариндошлар — ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари, яъни ота-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

она фарзандларининг, фарзандлар ота-оналарининг, бобо ва бувилар невараларининг, чеваралар бобо ва бувилари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига рўйхатнинг 2-бандига мувофиқ прописка қилинади;

3. Васийнинг ва ҳомийликдаги шахслар — васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига Рўйхатнинг 3-бандига мувофиқ доимий прописка қилинади. Қонунга мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган васийликдаги (ҳомийликдаги) фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди. Васийликдаги (ҳомийликдаги) фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақасида истиқомат қиладиган фуқаролар билан никоҳдан ўтган ҳолларда, бу фуқароларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши Рўйхатнинг 5-бандига мувофиқ ҳал этилади;

4. Ота-онаси бўлмаган воёга етмаган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи (эри(хотини) ва фарзандлари) бўлмаган воёга етган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар — ўзларининг туғилган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига Рўйхатнинг 4-бандига мувофиқ доимий прописка қилинади;

5. Эр (хотин) — хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига, башарти камиди бир йил биргаликда яшаётган бўлса, Рўйхатнинг 5-бандига мувофиқ доимий прописка қилинади. Бунда эр-хотиннинг ҳақиқатан бирга яшаётган жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси раиси (оқсоқоли) томонидан ва ички ишлар органи профилактика инспектори томонидан имзоланган эр-хотиннинг камиди бир йил биргаликда яшаётганиги тўғрисида маълумотнома тақдим этилади;

6. Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар — улар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда, Рўйхатнинг 6-бандига мувофиқ доимий прописка қилинади;

7. Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар — улар Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда, Рўйхатнинг 7-бандига мувофиқ доимий прописка қилинади;

8. Илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар — ўқиниши, ишни, узоқ мuddатли хизмат сафарини тугатганидан, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин доимий яшаш учун тегишчан Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганида, Рўйхатнинг 8-бандига мувофиқ

доимий прописка қилинади;

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга Рўйхатнинг 9-бандига мувофиқ доимий прописка қилинади;

10. Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органиларига сайланган фуқаролар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга Рўйхатнинг 10-бандига мувофиқ доимий прописка қилинади;

11. Давлат ҳокимияти органилари, давлат ва хўжалик бошқаруви органилари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга тақлиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга Рўйхатнинг 11-бандига мувофиқ доимий прописка қилинади. Бунда давлат ҳокимияти органи, давлат ва хўжалик бошқаруви органи, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг белгиланган шаклида ишга тақлиф этилаётган фуқаронинг ишончилиги кафолати билан биргаликда илтимосномаси, шунингдек, лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқдан кўчирма тақдим этилади;

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ уй-жой билан таъминланган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) Рўйхатнинг 12-бандига мувофиқ доимий прописка қилинади.

Бунда ҳарбий хизматни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ хизмат қиладиган жойдан берилган турар-жой олинганлиги тўғрисидаги маълумотнома тақдим этиши лозим. Рўйхатда назарда тутилмаган шахслар тоифаси, шунингдек, рўйхатнинг 3,5,9,12-банд-

ларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари пойтахт минтақасида доимий прописка қилинмайди.

— **Муқаддам Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳузурдаги махсус комиссиялар томонидан берилган рухсатномалар асосида уй-жой олган, бироқ турли сабабларга кўра прописка қилинмаган фуқаролар қандай йўл тутшади?**

— Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳузурдаги махсус комиссиялар томонидан доимий прописка қилиш ва уй-жой сотиб олиш юзасидан 2012 йил 15 мартгача берилган ва турли сабабларга кўра прописка қилинмаган фуқаролар Рўйхатнинг 1-бандига асосан доимий прописка қилинади.

— **Тошкент шаҳрида олди-сотди битимларини, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳаёда қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қандай ҳолларда амалга оширилади?**

— Тошкент шаҳрида олди-сотди битимларини, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳаёда қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: агар сотиб олувчи томон, яъни Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлса, Тошкент шаҳри ҳудудида камиди уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), Рўйхатнинг 2,5,9 ва 11-бандларига мувофиқ, Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ички ишлар органиларининг доимий пропискомаси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этганда. Шунингдек, Тошкент вилоятида олди-сотди битимларини, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳаёда қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: агар сотиб олувчи томон — Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган бўлса, унда Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камиди уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), Рўйхатнинг 2,5,9 ва 11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ички ишлар идорасининг доимий пропискомасини тақдим этганда ва ички ишлар органиларининг доимий пропискомаси борлиги тўғрисидаги маълумотнома олиш учун фуқаро охириги яшаш жойдаги туман, шаҳар ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлими ёзма ариза билан мурожаат қилади. Шундан сўнг ТШИББ ХЧК ва ФРБ уч қунлик мuddатда тегишли маълумотномани беради.



Рўйхатнинг 5,9,10 ва 11-бандларига мувофиқ, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар доимий прописка қилинган кундан бошлаб уч йил ўтгандан кейин турар-жой сотиб олган тақдирда, улар ва улар билан бирга доимий прописка қилинган фуқаролар бу турар-жойга Рўйхатнинг 1-банди бўйича доимий прописка қилинади.

— **Доимий пропискани расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш мuddатлари қандай тартибда бўлади?**

— Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин туман, шаҳар ИИБ ХЧК ва ФРБ томонидан уч иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги текширилади ҳамда фуқаро Рўйхатда назарда тутилган шахслар тоифасига мувофиқ бўлган тақдирда, унинг паспортига штампл қўйиш ва гербли муҳр билан тасдиқлаш орқали доимий прописка расмийлаштирилади.

— **Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлиш учун асос бўлган ҳужжатлар қалбақлаштирилган тақдирда қандай чоралар кўрилади?**

— Тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ва ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, шунингдек, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлиш учун асос бўлган ҳужжатлар қалбақлаштирилган тақдирда доимий прописка ички ишлар органи томонидан бекор қилинади, кейинчалик материаллар тергов идораларига юборилади. Бунда, пропискани бекор қилиш сабаблари ва кўриладиган чоралар кўрсатилган тегишли хулоса қабул қилинади ва туман, шаҳар ИИБ ХЧК ва ФРБ раҳбари томонидан тасдиқланади.

— **Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий истиқомат қилган ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларига ёки хорижга чиқиб кетган фуқаролар, турли сабабларга кўра, кетган**

**жойлари бўйича прописка қилинмаган ҳолда қайтиб келган тақдирда, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида қандай асосларда доимий прописка қилинади?**

— Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий истиқомат қилган ва республикамизнинг бошқа минтақаларига ёки хорижга чиқиб кетган фуқаролар, турли сабабларга кўра, кетган жойлари бўйича прописка қилинмаган ҳамда бир йил ичида Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шаклдаги жўнаб кетиш ваъдаси билан қайтиб келган тақдирда, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида умумий асосларда доимий прописка қилинади.

— **Фуқароларимизни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинчалик пропискага қўйиш тартиби тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

— Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ваколати янада орди. Эндиликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси раиси (оқсоқоли) ва профилактика инспектори томонидан имзоланган маълумотномаси ҳам зарурдир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини вақтинчалик ҳисобга олиш масаласи туман ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларини олдини олиш хизмати зиммасига юклатилган.

— **Кўриб турибдики, фуқароларимизни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши билан боғлиқ кўплаб ноаниқликлар, муаммолар юқоридagi қонун ва қарор ҳамда йўриқнома асосида ечим топган. Бу масала юзасидан барча ишлар кўп йиллик тажрибалар, фуқароларнинг талаблари, истак ва тақлифлари, энг асосийси, уларнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.**

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, суҳбатлашди.

### Реклама ва эълонлар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

### ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Очиқ оферта савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйи корхона устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:

Т/Р	Оферта савдосига қўйилган объект ва фаолият тури	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%) бошланғич баҳадан	Бошланғич баҳори Сўм ёки АҚШ долларидан	
					Сўм	АҚШ dollari
1	«TOSHKENT QOGOZI» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш	Тошкент шаҳри, Фаргона йўли кўчаси, 23-уй	100 %	1 %	25 854 000 000	14 802 473,38

Оферта савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган бюртномаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тақдим қилдилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг БХКМдаги ҳисоб-рақамига тўлайдилар: х/р: 2980100000000450047, МҒО: 00450, СТИР: 200836354. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат

тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ dollari)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Оферта тақлифларини қабул қилиш мuddати 2012 йил 2 июль куни Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтади.

Оферта тақлифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 4 июль куни Тошкент вақти билан соат 11:00 да ТИФ Миллий банкида амалга оширилади. Тақлифларни очиб вақтида

оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул тақлиф киритган талабгор оферта фолиби деб топилади.

**Тўловларни амалга ошириш тартиби:**

Олдиндан тўлов — сотилиш баҳосининг камиди 15% миқдоридан, қолган қисми — олди-сотди шартномасида белгиланган мuddатларда.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотил-

ган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича

**Оферта савдоси ўтказилиши ва оферта ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаментига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темури шоҳқўчаси, 101-уй. Тел: (8-371)234-11-22; 234-15-60. Факс: (8-371)234-44-38. www.nbu.com.**

фоиз ҳисобланади. Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ dollari учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тадбиркор ва ишбилармонлар диққатига!

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

барча тадбиркор ва ишбилармонларни тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ташқи этиладиган савдога тақлиф этади.

**Савдо ташкилотчиси:** «Tashkent Realtor Service» МЧЖ  
Манзили: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Биржа маркази биноси.  
Телефонлар: (+99871) 147-40-00, (+99872) 722-71-60,  
Факс: (+99871) 232-10-78.

Сотиш учун тақлиф қилинаётган объект номи, манзили, тавсифи, бошланғич баҳоси ва олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:

- «Идора ва ёрдамчи бинолар».
  - Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 1-мавзе, Дўстлик кўчаси.
  - Умумий майдони 25533,06 кв.м., фойдалани майдони 5890,30 кв.м. бўлган «Идора ва ёрдамчи бинолар».
  - Объектнинг сотилиш баҳоси — 1 384 500 000 (Бир миллиард уч юз саксон тўрт миллион беш юз минг) сўм.
  - Тўлов шартлари ва мuddати: олдиндан 15 % тўлов ва қолган 85 % олди-сотди шартномаси имзоланган кундан бошлаб 15 кун ичида.
- Талабгорлардан тақлифларни қабул қилиш мuddати: 2012 йил 1 июндан 30 июнгача ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача.  
Хизматлар лицензияланган (Лицензия № RR-0008)



Кўрик-танлов

БЕГУБОР БОЛАЛИКНИНГ СУРАТЛАРИ

Мамлакатимизда ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб бориш мақсадида турли кўрик-танлов, фан олимпиадалари, санъат фестиваллари ва илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Бадий академиясида мана шундай тадбирлардан бири — “Камалак жилоси” расмлар кўрик-танлови Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилди.

Дунёни тебратаётган кўшиқ тасвири

Кўрамага қўйилган ижодий ишлар бир қарашдаёқ кўнглига кўтаринкилик, руҳан энгиллик бахш этади. «Оила», «Орзуларим», «Менинг қишлоғим», «Кулчилик», «Дадам билан» каби расм ва амалий санъат намуналаридаги эзгу гоя кишини мушоадага чорлайди.

Бу ижод намуналари орасида амалий санъат йўналишида ишланган “Она алласи” алоҳида ажралиб турибди. Гиламчада боласига алла айтаётган она тасвири, фарзандига эса ёғочдан бешикнинг бош қисми моҳирлик билан ишланган. Гуё ундан онанинг алласи эшитилиб тургандек...

Бешик — дунё. Алла — эзгуликнинг дояси. Она қалбларга эзгулик уруғини сочмоқда. Унга тикилиб туриб, хаёлга толасан. Она гўдагига алла айтапти. Алла оҳангидан бешик — дунё тебраняпти, фарзанд камол толапти, инсоният эзгуликка юз бурмоқда. Бу санъат асарига гоя ноёб тарзда ифодасини топадиган хайратга тушсан киши.

Танловда бу ижодий иш амалий санъат йўналишида 1-уринга муносиб қўрилди. Унинг муаллифи Андижон вилоятидаги Болалар шахарчаси тарбияланувчилари — 16 ёшдаги Наврўзбек Аҳмадалиев ва андигина 14 ёшни қаршилаган Катя Крачевская.



— Она алласи дунёдаги энг муқаддас кўшиқ, — дейди Наврўзбек. — Шу боис уни кўнглимиздан ўтказиб, тасвирлашга ҳаракат қилдик. Катя гиламча алла айтаётган она тасвирини туширди. Мен эса бешикнинг бош қисмини ишладим. — Бизнинг Болалар шахарча-



мизда ўндан ортиқ тўғрак ишлайди, — дея гапни давом эттирди Катя. — Иштиқимизга қараб уларнинг бирини танлаймиз. Ўқишимиз, изланишимиз учун ҳамма шароитлар яратилган бизни яхши ўқишга, ижод қилишга ундайди.

Сени соғиндим Умид!..

Тасвирий санъат йўналишида эса Жиззах вилоятининг 29-Меҳрибонлик уйдан келган 4 ёшли Умид Тилавонинг «Беғубор болалигим» деган расми биринчи мукофот билан тақдирланди. Унда Умид ўзини бахтиёр бола

Чехрасида табассум порлаб турган, ёқимтой бу болани Меҳрибонлик уйига бериш учун ота-она ўзида қандай куч топа олди экан? Кулса, бутун олам ёришиб кетгудек чехрасини, чакнаб турган кўзларини ота-онаси соғинмадиммикан?

Умиднинг чехраси ёдимда. Мана, неча кундири, уни эслайман. Уни яна кўргим келяпти...

Хар бир ижоднинг рағбати бор

Маъмур танлов “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, “Sen yolg’iz emassan” жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси, республикамиздаги Миср Араб Республикаси элчихонаси қошидаги маданият маркази билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган республикамиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари 100 дан зиёд акварел расмлар ва 80 дан ортиқ амалий санъат асарлари билан иштирок этди. Танловда 12 нафар голиб ҳамда 10 та номинация бўйича совриндорлар аниқланди. Кўразма давомида тезкор расмлар чизиш кўриги ҳам ташкил этилиб, ижод намуналари ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди ва тақдирланди.

Абдусалим МАХМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

Хабарингиз бор, мусобақа низомига мувофиқ, мазкур босқичда голиб жамоа номи бир учрашув натижасига кўра аниқланади. Гуруҳ баҳсларида иккинчи ўринни эгаллаган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси «плей-офф» учрашувини Жанубий Кореяда «Сеонгнам Ильва Чунма» футболчиларига қарши ўтказди.

«БУНЁДКОР» - ЧОРАК ФИНАЛДА!

Футбол бўйича Осиё чемпионолар лигаси нимчорак финал учрашуваари низомига етди.



Гарчи, ўйин олдидан ақсарият мухлиси мутахассислар мезбонлар имкониятини юқори баҳолаган бўлса-да, сафарда тўп суришига қарамай, юртдошларимиз Осиёнинг етакчи жамоасини мағлубиятга учратилишига умид қилдилар. Учрашувни юксак савияда ўтказган ҳамюртларимиз 53-дақиқада Хайрулла Каримовнинг пенальтидан киритган голи эвазига зафар қучди — 1:0.

Меҳмонда тўп суриш доимо оғир, — деди учрашувдан сўнг «Бунёдкор» жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов. — Бугун жамоалар бир хил шароитларда эмасди. «Сеонгнам Ильва Чунма» жамоасига ўз майдонида тўп суриши маълум даражада руҳий устунлик берарди. Жанубий Корея жамоалари қўтьамизнинг кучли клублари саналади. Улар билан барча учрашувлар кийин кечади. Гуруҳда ҳамма билан икки мартадан ўйналади. Ўйна гуруҳ босқичида қайсидир ўйинда қилинган хатони бошқа учрашувда тузатиш мумкин. Аммо 1/8 финал учрашувида бунинг иложиши йўқ. Чунки ушбу босқич битта баҳсдан иборат.

Эътиборлики, бунёдкорчилар бу йилги мавсумда учинчи мартаба Жанубий Корея жамоаси билан рубарў келмоқда. Бунгача улар ўз гуруҳларида «Поханг Стилерс» футболчиларини сафарда 2:0, Тошкентда 3:2 ҳисобида доғда қолдирганди.

Осиё чемпионолар лигаси «плей-офф» босқичининг қолган учрашувида эса қуйидаги натижалар кайд этилди: «Ал-Жазира» (БАА) — «Ал-Ахли» (Саудия Арабистони) — 2:4, «Селах» (Эрон) — «Истиклол» (Эрон) — 2:0, «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) — «Пируз» (Эрон) — 3:0, «Ал-Хилал» (Саудия Арабистони) — «Баньяс» (БАА) — 7:1, «Аделаида Юнайтед» (Австралия) — «Нагоя Грампус» (Япония) — 1:0, «Улсан Хюндай» (Жанубий Корея) — «Кашива Рейсол» (Япония) — 3:2, «Уанчжоу Эвергранд» (Житой) — «ФК Токио» (Япония) — 1:0.

Чорак финал учрашувидаги 14 июнь кун кураба ташланади.

(Ўз мухбиримиз).

Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси Реанимация ва анестезиология бўлими мудир Фийс Насимовга отаси Дамин НАСИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун

«ҲАР БИР ФАРЗАНДГА МЕҲР, ЭЪТИБОР»

шиори остида пойтахтимиздаги «Тошкент-Ленд» болалар истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Ёдгора ҲАМИДЖОНОВА, мархум сержант Воҳиджон ЯКУБОВнинг қизи, 5 ёшда: — Бу ерга келиб жуда хурсанд бўлдим. Атракционлар жуда кўп экан. Музқаймоқ едим. «Айиқ» ва «куён» билан суратга тушдим. Дадам ҳақида шеърлар айтдим... Сардор УМАРОВ, 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 6 ёшда: — Бу ерда жуда кўп қизиқарли ўйинларни ўйна-

дим. Тенгдошларим билан ширин ичимликлардан ичдик. Баланд-баланд аттракционларга чиқдик. Эртақ қаҳрамонларнинг кўпи билан суратга тушдим. Бу хурсандчилик ҳеч қачон эсимдан чиқмайдиган бўлди. Бизни музқаймоқ билан сийлаганларга катта раҳмат. Меҳримизга муҳтож болаларга қувонч улашаётган бундай тадбирлар жойларда давом этмоқда.

(Ўз мухбиримиз).



Спорт

ТОШКЕНТ — ШОҲМОТ БАЙРАМИ МЕЗБОНИ

Кеча пойтахтимизда шоҳмот бўйича 20 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ўртасида Осиё чемпионолиги бошланди

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Осиё шоҳмот федерацияси, Ўзбекистон маданият ва спорт вазирлиги ҳамда Шоҳмот федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу нуфузли мусобақада мамлакатимиз спортчилари билан биргаликда Бирлашган Араб Амириклари, Афғонистон, Вьетнам, Қозғистон, Қирғизистон, Ҳиндистон, Тожикистон сингари давлатлардан ташриф буюрган элликдан зиёд умидли шоҳмотчилар дона суришаётди.

Агар йигитлар ўртасида кечаётган мусобақага назар ташласангиз, иштирокчилар орасида Олег Артёмов, Элбек Алиқулов, Никита Хорошев (Ўзбекистон), Мишра Сваямс, Читхамбарам Аравиндх (Ҳиндистон), Исхақ Сайид (Бирлашган Араб Амириклари), Асилхон Қараев (Қозғистон) каби ФИДЕ усталарининг голиблик учун кураш олиб бораётганлиги ҳар бир учрашувнинг мурасоси ва шиддатли кечилишига замин яратиши шубҳасиз. Эътиборли жиҳати, мутахассисларимиз мазкур нуфузли мусобақада андигина 10-12 ёшга тўлган Нодирбек Ёқубов, Саидқабар Сайидлиев сингари бир қатор умидли шоҳмотчиларга ҳам ишонч билдиришган.

— Утган йили 10 ёшгача бўлган шоҳмотчилар ўртасида Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритганим, — дейди чемпионат қатнашчиларидан бири Саидқабар Сайидлиев. — Бу муваффақият менга Бразилияда ўтказилган жаҳон, Филиппинда ўтган Осиё чемпионатларида қатнашиш ҳуқуқини берди. Тўғри, бу катта мусобақалар-

да кучлилар қаторидан жой ололмаган бўлсам-да, уларда қайд этган натижаларим мени ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ундади. Яқинда Миробод туманидаги 218-мактабнинг 4 «Б»-синфини тамомладим. Салкам бир йилдири, бўш вақтларимда танникили шоҳмотчи Антон Филипповдан сабоқ олаётиман. Бир ой илгари Азербайжоннинг Боку шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирдан бош соврин билан қайтдим. Тошкентда ўтказилаётган Осиё чемпионолигида эса ўзимдан анча ёши катта қатнашчилар билан куч синашаётиман. Уларга қарши ўйнаш мен учун ўзига хос маҳорат ва тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Қизлар ўртасидаги учрашувларда голиб ва совриндорлар йигирма уч нафар қатнашчи ўртасида аниқланади. — Мусобақа низомига кўра, йигит қизлар ўртасидаги Осиё чемпионолиги халқаро тоифадаги шоҳмот устаси унвони берилди, — дейди чемпионат бош ҳаками, ливанлик Илёс



Хайрулло. — Амалдаги халқаро тоифадаги спорт усталари олтин медал билан тақдирланса, улар халқаро гроссмейстерлик талабини бажаришади. Тошкентга барча иштирокчи давлат вакиллари энг кучли спортчилари билан ташриф буюрган. Жумладан, қизлар ўртасида голибликка асосан Ҳиндистонлик Руча Ружари, Фуртадо Мария Ивана, вьетнамлик Зи Ху Ю Хоанг, Зи Ким Фунг Во, ўзбекистонлик Сарвиноз Курбонбоева, қозғистонлик Жанар Байжановалар даъвогарлик қилиши кутилмоқда.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Газетанинг навбатдаги сони 5 июнь, сешанба кун чиқади.

Реклама

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ кўйидаги объектни тўлиғича таъмирлаб фойдаланишга топшириш шартли билан пуаратчи ташкилотни танлаш бўйича

Table with 4 columns: №, Объект номи ва манзили, Бюроетмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, Бюроетмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз, Курилиш муддати. Row 1: Самарқанд шаҳри, Супер қўрғондаги 1-ШМБ биносини, том қўқмини ва иситиш тизимини капитал таъмирлаш, 96 421 000 сўм, 80 350 833 сўм, 2 ой.

Курилиш ишлари Давлат бюджети маб- лағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази. Бюроетмачи: Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармаси. Манзили: Самарқанд шаҳри, Бўстон-сарой қўчаси, 89-уй, телефон: (8366) 233-11-11.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камидан 20 фоизи миқдордаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағ- ни беришга банк қафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар маъжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганилик тажрибасига, қўқим- маларга ҳамда шартномалар тузиш юза- сидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат- га эга бўлишлари лозим. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнаш- ганда, уларнинг танлов тақлифларини ба- ҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эъти-

MUASSIS: XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

Parlament faoliyati: 233-10-13; Pariya hayoti: 233-11-49; Mediyavi va ma'naviyat: 233-49-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot: 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot: 233-12-56; Sport va vatandorlik: 233-44-55; Rekлама va e'lonlar: 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat: 233-72-83, 236-55-17. Manzilimiz: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz. T - Tijorat materiallari, O'zA yakuni — 21.25, Topshirilgan vaqti — 23.50. Soluvda erkin narxda.